



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ

“МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ

НАУЧНО ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

«ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ
СИСТЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ И
ПЕРЕПОДГОТОВКИ КАДРОВ»

SCIENTIFICALLY PRACTICAL CONFERENCE
“PRIORITY DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF
SYSTEM OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT AND
RETRAINING OF PERSONNEL”

3-ТОМ

Тошкент- 2015 йил

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ПЕДТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АХАМИЯТИ

Байдуллаев А.С. Тошфарми.
Холова М.Б. Чирчик ижтимоий иктисодиёт коллежи
Утепова Ф.С. Тошкент иктисодиёт КХК

Республикамизнинг ижтимоий-иктисодий, маънавий соҳаларда жаҳонга юз тутиши, ўз тараккӣёт йўлини белгилаб олганлиги, бозор иктисодиёти муносабатларига тобора чуқуррок кириб бораёттганлиги олий ўкув юртлари олдига юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган ҳар жиҳатдан ракобатбардош мутахассисларни тайёрлаш вазифасини кўндаланг килиб кўймокда.

Мазкур вазифани ҳал этишда, шубҳасиз, ўқитишида замонавий педагогик технологияларни кўллаш мухим ўрин тутади.

Талабаларга билим беришда замонавий таълим технологияларининг ахамияти тўғрисида сўз боргандা Президентимиз И.А. Каримовнинг “Ўкув жараёнига янги ахборот педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, кискача айтганда, таълим - тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги боскичга кўтариш дикқатимиз марказида бўлиши даркор” деган сўзларини таъкидлаш ўринилдири.

Ҳозирги замон ёшлари аклий камолотининг ривожланиб бораёттганлиги, уларнинг илм ўрганишга чанкоклиги, мустакил фикрлаши ва илмий-ижодий изланишлари, янгиликлар ва кашфиётларга нисбатан чексиз қизиқиши ва таълим мазмунига талаабчанлиги, ўқитувчининг ўз устида ишлашга, малакасини ошириб боришига ва онгини янада ривожлантиришига, таълим тизимидағи барча янгиликлардан боҳабар бўлиб бориши кералигига асосий мотив бўлиб хизмат киласи.

Сўнгти йилларда педагогика фанига, таълим тизимига шиддат билан кириб келаётган янги педагогик технологиялар, инновациялар, янги-янги педагогик-психологик тушунчалар, интерфаол методларни таълим берувчи томонидан ўзлаштирилиб ва кўлланиб борилиши, таълим мазмунини тубдан ўзгартириб юборди, десак муболага бўлмайди.

Замонавий ўқитувчи дарс жараёнинда «актёр» эмас, аксинча «крайсёр» бўлиши кераклигини англаши лозим. У ўз ўкувчи-талаабаларини фанга изодкорлик нуктаи назари билан қарашларини ташкил килиши, уларда изланувчаник хусусиятларини шакллантириши ва албатта, янги педагогик технология усулларидан фойдалангангай холда дарсни ташкил этиши керак бўлади. Бунинг учун эса у бир неча янгича таълим усулларини яхши билиши керак.

Шу ерда Президентимиз И.А. Каримовнинг «Биз ўғил-кизларимизни ўзларини англашга, мустакил, онгли фикрлашга, уларнинг тафаккурида бўшиқ вужудга келишиги йўл кўймаслигимиз лозим» деган сўзларини мисол килиб келтирган холда талабаларининг нутқ бойлиги, укувлигини оширишимиз, бадий ва илмий адабиётларга кизикишини ривожлантиришимиз, уларнинг дунёвий ва диний илмлардан қай даражада хабардорлигини аниклашимиз керак бўлади. Чунки кўп ўқиган ва укқан ёшлиарни алдаш, миллый гоямизга ёт бўлган гояялар сари етаклаш халқимиз душманлари учун уddaлаб бўлмайдиган масалага айланади.

Педагогик

технологиялар ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, киска вақт ичидаги юксак натижаларга эришиш мақсадини назарда тутади. Дарс мобайнида маълум назарий билимларни ўқувчига етказиш, унда айrim фаолият юзасидан кўниумма ва малака хосил килиш, маънавий сифатларни шакллантириш, ўқувчи билимини назорат килиш ҳамда баҳолаш ўқитувчидан юксак маҳорат ва тезкорлик талаб қиласди. Бу борада ўқитувчи дарсларда фойдаланиши мумкин бўлган айrim педагогик воситалар: таъкидовчи саволлар бунда ўқувчининг берган саволига караб, унинг фикрлаш даражасини аниклаш мумкин. Ўқитувчи альтернатив, ўқувчини фаолликча чорловчи саволлар оркали гурухда ижодкорлик, изланувчаник, киёслаш, ўхшашлик ва фаркини топиш сингари хусусиятларни ривожлантирувчи муҳитини яратади. Саволлар бериш билан биргаликларда ўқувчиларда, фикрлашга мажбур килувчи саволлар тузиш қобилиятини ҳам шакллантириб боради. Интерфаол метод ва усуулларни санаб ўтамиш: ақлий хужум, кластерлар, мустакил ҳат, Вени диаграммаси, ҳаракатли маъруза, ўзаро таълим, муаллифга саволлар, «билиман, билишни истайман, билиб олдим» (БББ), инсерт, баҳс-мунозара, синквейн, кадриятлар тизими, лебат, ҳамкорликда изланиш, аргументланган эссе ва бошқалар. Бу усууллар асосан баскичларга ажратилган дарс жараёнида кўлланилади (чакирав, англаш, фиклаш) ва ҳар бирида ўқитувчи ўқувчиларга тегишли топшириклар беради. Бу методлар ва усууллар ўқувчидаги коммуникатив қобилиятнинг ўсишига, ўқувчилар орасида хиссий алоқа ўринатилишига, муаммоли вазиятлар ечимида гурухда ишланиши, ўзгаларнинг фикрини тинглай олишни ва ўз фикрини мустакил баён этишини ўргатибгина колмасдан, унда ўзига ишонч, билимiga таяна олиш, кизикишларининг кучайишига, кенг фикрлашга олиб келади. Давлатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ҳар кайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички кувватининг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилса, тафаккур ҳар хил котиб колган эски тушунча ва акидалардан холос бўлади ва ҳар кайси инсон Аллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъодини аввало ўзи учун, оиласи, миллати ва

халқининг давлатининг фаровонлиги, баҳт-саодати, манбаати учун тўлиқ баҳшида этса, бундай жамият шу қадар тўлиқ тараккиётта эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур килиш ҳам осон эмас.» Бу сўзларни шунчаки келтирмадик, чунки ёшларимизни маънавий баркамол, ақлий салоҳияти юкори, мустакил ва эркин фикрловчи, ижодкор бўлиб шаклланишида педагогик инновацияларни кўллаш, интегратив жараёнга асосланиш, интерфаол методлардан фойдаланиши камлик қиласди. Биз ўқувчи шахснинг ички оламини хисобга олишимиз керак бўлади. Яъни унинг шахсий фикри билан хисоблашишимиз, ундаги қобилиятларни пайкамогимиз, унинг сўз бойлигини ошиб боришига ижобий таъсир кўрсата олишимиз зарур. Хуш, бунинг учун нима қилиш керак деган савол ўз-ўзидан тугилиши мукаррар. Наманган мухандислик-педагогика институти Касб таълими (Кишлек хўжалигини механизациялаштириш) кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан дарсларда кўлланилаётган қоидалар дарсни самарадорлигини анча оширишини кўрсатди.

Машғулотнинг самарадорлигини ошириш учун амал қилиши мумкин бўлган қоидалар: дарс колдирмаслик ва кеч колмаслик, аниқ максад кўйини ва унга эришиш, вақтдан унумли фойдаланиш, фикрни бўлмаслик, эшита олиш, савол бериш маданийтига риоя қилиш, ўзгалар фикрини хурмат қилиш, ўзаро хурмат, маъсулнинг бўлиш, фаоллик, ижодкорлик ва бунёдкорлик, кайфиятни мутадил саклаш, ташкилотчи ва ташаббускор бўлиш, фикрини киска, аниқ ва равон ифода этиш, ўзаро хурмат, ҳайриҳолик, ҳамдардлик, ёрдам кўрсатиш.

Бу қоидалар шахсни юкори маънавиятли, кенг фикрловчи, ижодкор, булиб шаклланишига ёрдам беради, шунингдек ўзгаларни фикрини хурмат қилишга ўргатади.

Ўқувчи-талабаларимиз дарс жараёнида шу қоидаларга амал қила олишса ўз фикрларини, гояларини айтгисдан чўчишмаса, сергайрат, шизроатли, қалб туйгулари илмда беором бўлса, ўзгаларни фикрини хурмат қила олишса дарслар ўз самарасини бериши аниқ. Ҳозирги давр талабидан келиб чиккан холда талабаларни ўз-ўзини тарбиялайдиган, ўзи мустакил изланиб, билимларни эгаллайдиган даражага олиб чиқиши асосий вазифа хисобланади.

УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Кт. ўқит. М.У.Якубова, асс-т. Г.Н.Ибрагимова, асс-т
Н.Қ.Ражабов, ТошДАУ.